

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Учкўприк туманидаги “Бобошбек” савдо ва ишлаб чиқариш мажмуасида Жанубий Кореялик инвесторлар билан учрашди.

Унда Данғара туманида амалга оширилиши режалаштирилаётган чиқиндини қайта ишлаш ҳамда агрологистика ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тумандаги чиқинди полигониди амалга оширилаётган лойиҳанинг қиймати 23 млн. доллар бўлиб, у тўғридан-тўғри инвестициядир. Чиқинди қайта ишланиб, газ ва электр энергияси олинади. Шу билан бирга 300 млн. долларлик агрологистика лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уруғини етказиб беришдан бошлаб, уни етиштириш, экспортга жўнатишгача бўлган жараённи қамраб олади.

Чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаси бўйича жараён бошланган бўлиб, бурғулаш ишларига киришилмоқда.

Вилоят раҳбари корейлик инвесторларнинг мазкур лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишни тезлаштириш, ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни таъкидлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-28 12:07:32